

**XDP**

1918-yil  
21-iyundan chiqa  
boshtagani

№ 18, 2024-yil  
1-may,  
chorshanba (32.816)

# 0'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



## ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ БИЛАН БИР ЙИЛ


2

ОПТИМИСТИК  
ВА ҲАЁТИЙ  
ТАКЛИФЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ  
КЕНГАШИ РАИСИ УЛУГБЕК ИНОЯТОВ  
РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА  
ҲУДУДЛАРИДАГИ ЁШЛАР БИЛАН  
ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Республика ёшлари ойлайн форуми ўтказилди. Партиянинг "Ёшлар қаноти" фаоллари, ёшлар парламенти аъзолари, депутатлар ҳамда жойлардан фаол йигит-қизлар иштирок этган форумини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши рииси Улугбек Иноятов очиб берди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг хукуклар ва имкониятлар тенглиги, манзилли қўйлаб-кувватлаш ҳамда фаолликни рағбатлантириш каби устувор ғоялари ёшлар манфатларига ҳар томонлама мосдир.



БОЛАЛАРДА КЎЗ САРАТОНИ:  
АЛОМАТЛАР ВА САБАЛЛАР

ТОВАР ВА ХИЗМАТ

КУНДА  
ЗАРУР

Аҳоли фаровонлигини ўзида мужассам этадиган энг асосий кўрсаткичлардан бири – бу оила бюджетининг ҳажми ва таркиби. Шубу кўрсаткич истеммол бозорининг зарур товар ва ижтимоий хизматлар билан қанчалик тўлдирилгани ҳамда аҳолинг ундан фойдаланиш имкониятлари қай дара жада эканлиги билан ўлчанади.

Озиқ-овқат хавфисизлигига, унинг арzon ва етарли эканлигига барқарор ривожлашишинг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

Шу сабабдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2019 йилги парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловдан сўнг эҳтиёжманд аҳоли қатламини кундальик зарур товар ва хизматлар билан таъминланиши гоясинни илгари сурган эди.

3 САХИФАДА

7 САХИФАДА

5 САХИФАДА



# ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ БИЛАН БИР ЙИЛ

**Ўтган йили Янги  
Ўзбекистонни  
бунёд этишда яна  
бир мухим тарихий  
қадам ташланди.  
Конституциямиз  
янги таҳрирда қабул  
қилинди. Ўзбекистон  
ўзини "ижтимоий  
давлат", деб эълон  
қилди. Давлат ўз  
фаолиятини инсон  
фаровонлигини ва  
жамиятнинг барқарор  
ривожланишини  
таъминлаш мақсадида  
қонунийлик, ижтимоий  
адолат ва бирдамлик  
тамоиллари асосида  
амалга ошириши  
белгиланди.**

Кече Олий Мажлис Қонунчилик палатасида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуридин Исмоилов киричи сўзи билан очиб берди:

- Ўтган йили бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, хукуқий мадданияти ва дунёқарашини намоён этиб, янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилди. Президентимиз Конституциявий ислоҳотларнинг ҳам ташабbusкори, ҳам илҳомлантирувчиси бўлди. Айтиши керакки, Буш қомусимиз миллий давлатчилик тараққиётининг хозирги босқичида жамият ва давлатни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб, Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларини рўёба чиқарishнинг сиёсий-хукукий асосларини яратиб берди.

Ҳақиқатан ҳам, янги таҳрирдаги Конституция билан Ўзбекистонда янги ижтимоий-сиёсий мухит шаклланди, давлат ўзига улкан ижтимоий-иктисодий мажбуриятларни олди. Мамлакат ўзини ижтимоий давлат сифатида эълон қилди, инсон хукуқ ва эркинликларни химоя қилишни мутлақо янги механизmlари жойриб этилди. Яна бир эътиборга молик жиҳати, давлат ҳокимиятини ташкил этишининг сармарални янги модели яратилди.

Ўзбекистон Конституциясида майян мөърий-хукукий хужжатлар қабул қилингандан ёки қабул қилинмагандан қатъни назар, Конституция қоидаларининг тўғридан



тўғри амал қилишини таъминлаш орқали демократия, инсон хукуқлари ва эркинликларини таъминлаш механизмлари мустаҳкамланди. Шунингдек, инсон хукуқлари ва эркинликларига оид аниқ нормалар сони уч баробардан зайд кўпайди. Фуқароларнинг шахсий хукуқлари кенг кўллами масалаларни қамрап олган нормалар билан янада мустаҳкамланди. Атроф-муҳит билан боғлиқ хукуқлар, соглини сақлаш, гендер тенглиги, Интернетдан фойдаланиш, шахсий маълумотларни химоя қилиш, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириши, давлат хизматларидан фойдаланишдаги тенглик, банк операциялари ва хисобвақларининг маҳфилиги Конституция давраjaxsida мустаҳкамланди.

Фуқаролар қонун лойиҳасини тўғридан тўғри парламента киритиш хукуқига эга бўлди. Ушбу янги таъаббус фуқароларнинг ўз ҳаётига, умуман, жамиятга ва давлатга таъсир этувчи қарорлар қабул қилишадига иштирокни ошириша қаратилган. Хусусий мулла хукуқи, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва капитал ҳаракати эркинliginинг қафолатлари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Конституцияни изтиҳоми соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган қоидалар сони уч баробар кўпайди.

Давлат томонидан болалар меҳнатининг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш, меҳнат бозорида аёлларга нисбатан камситишларнинг, ишсизликнинг олдини олиш

» **Мамлакат ўзини  
ижтимоий давлат  
сифатида эълон  
қилди, инсон хукуқ  
ва эркинликларини  
химоя қилишнинг  
мутлақо янги  
механизмлари  
жорий этилди.  
Яна бир  
эътиборга молик  
жиҳати, давлат  
ҳокимиятини  
ташкил этишининг  
самарали янги  
модели яратилди.**

чоралари қўрилиши, узлуксиз таълим тизими Конституциявий жиҳатдан багфолатланди.

Конференцияда қайд этилишича, Олий Мажлис палаталари томонидан 38 та банддан иборат Конституция моҳиятини тушунтириш бўйича комплекс дастур қабул қилинди. "Янги Ўзбекистон Конституцияси" ягона миллий портали "konstitutsiya.gov.uz" ва унинг мобиль иловаси ишга туширилди.

Хозир парламент, суд ва ижро ҳокимияти, жойларда ҳокимлар

ва ҳалқ депутатлари Кенгашлари янгича Конституциявий шароитда иш олиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Умуман, барча давлат органлари Буш қомусимизнинг ҳар бир қоидасини тўлиқ, сифати ва сўзсиз бажарилишига масъуллiği, натижадорлик эса бosh мезон этиб белgilanGANI kайд этилди.

**Олий Мажлис Сенатининг  
Бюджет ва иқтисодий  
ислоҳотлар масалалари  
қўмитаси раиси Эркин  
Гадоев ўз сўзида шундай  
деди:**

- Ўтган бир йил давомида биз жойларда ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш масалаларини ўрганиш чиқдик. Андижон, Фарона, Наманган, Сирдарё, Жиззах ҳамда Қашқадарё вилоятларида Сенатнинг сайдер йигилишларини ўтказдик. Энг асосийи, маҳаллий Кенгашларга ёрдам бериш, уларнинг муаммоларини ечиш мақсадида Кенгаш йигилишларига вазирлик ва идоралар вакилларини ҳам жалб қилидик. Муаммолар борми, уларнинг ечимини шу жойнинг ўзини кўриб чиқдик.

Албатта, бу борадаги ишларимиз давом этади. Энг асосийи, олдимизда катта вазифалар туриди. Биз амалдаги қонунларимизни Конституцияга мослаштиришимиз керак. Бу борада ишларимизда кўп, деб ўйлайман. Ҳудудлarda ўтказилган учрашувларимизда кўп муаммоли масалалар борлиги аниқланмоқда.

Айниска, Конституциямизда аниқ белгилаб берилганидек, Ўзбекистон ҳудуди ягона иқтисодий

макон. Демак, молиявий ресурслар, меҳнат ресурслари ҳамда таъор-хизматларнинг ҳаракати ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилади.

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ҳалқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов сўзга чиқди. Конституциявий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналитиргиланлиги ахолининг, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга мухтоҳ катламнинг хукуқ ва манбаатларни таъминлаш бўйича кафолатларни мустаҳкамлаганини алоҳида таъкидлади:

- Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияда сиёсий партияларнинг фоялари, ўз олдига кўйган вазифалари хукукий меъёр сифатида ўз аксини топди. Бизнинг партиямизнинг ҳам узок йиллардан бери илгари суруб келган фояси, яни ижтимоий давлат тамоилини Буш қомусимизда аниқ, белгилаб кўйилгани катта тарихий ютуқ бўлди. Албатта, биз ҳам ана шу имкониятдан фойдаланган ҳолда, Конституциямизда белгиланган фуқароларимизнинг хукукларини ижтимоий тенглик, адолат нуқтати назаридан ҳимоя қилишни ўз олдимизга вазифа сифатида белгилаб олдик.

Бу йил олдимизда катта сиёсий жараён туриди. Ҳар бир сиёсий партия Сайловолди дастурини шакллантиради ва албатта, ундаги фоя ҳамда мақсад-вазифаларни таҳтиргари Конституциямизга ҳам оханг бўлиши керак.

Бизнинг партиямиз ҳам бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, бўлгуси сайловлар олдидан бунга алоҳида эътиборини каратади. Бунинг учун биз маҳаллаларда юриб, халқимиз билан мулокот қилиб, айнан кўйидан Конституциямизда белгилаб берилган хукукларни рўёба чиқариш бўйича 2 муҳим масалада ўз вазифаларимизни белгилаб олдик.

Биринчидан, Сайловолди дастурда қонун ижодкорлиги орқали ушбу хукукларни алоҳида ошириш механизмидан фойдаланиш, иккичидан, парламент назорати орқали Конституциянинг хукуқ ва меъёлларнинг амалда таъминланишини назорат қилишни мақсад киляпмиз.

Тадбирда Конституцияни изчили амалга ошириш бўйича устувор вазифалар атрофлича муҳокама килинди. Унинг мазмуни ҳар бир давлат хизматчисининг кундаклик фаолиятида, инсонлар ҳаётидан аниқ акс этиши зарурлиги қайд этилди.

**Лазиза ШЕРОВА,  
"Ўзбекистон овози" мухбири.**

## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТА КАРШИ

Xushnudbek.uz хабар беришича, ҳукumat томонидан яширин иқтисодиёта қарши курашиб бўйича чоралар ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, қўйидагилар таклиф қилинтипи:

- кўчмас мулк ва транспорт воситаларини сотишни факат нақд пулсиз шаклда амалга ошириш ва ушбу операциялар бўйича комиссияни бекор қилиш;


- товар ва хизматларнинг умумий қиймати **3000 доллардан ошса,** тўловларни факат нақд пулсиз кўринишда амалга ошириш;

- улугуржи савдоны тўлиқ нақд пулсиз хисоб-китобларга ўтказиш; - барча бюджет ташкилотлари ходимлари, ОТМлар, ҳарбий хизматчилар ҳамда ўтирик солик тўловчиларнинг **100 фоиз иш ҳақини банк карталарига ўтказиш** йўли билан тўлаш;

- факат нақд пулсиз шаклда тўлашадиган хизматлар каталогини тасдиқлаш;

- онлайн давлат хизматлари ва тўловлар, жисмоний шахслар ўртасидаги ўтказмалар, шахсий маблағларни бошқариш ва онлайн савдо хизматларини ўз ичига олувчи "WeChat" ва "Kaspi" каби тизимларга ўтказаш технологик ечим яратиш.

Бундан ташқари, 1 июлдан бошлаб чакана савдо, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш соҳаларида жисмоний шахслар томонидан тўловлар нақд пулда амалга оширилганда 1% миқдорида кешбек кайтарлиш тартибини бекор қилиш режалаштирилмоқда.



### ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА БЕРИЛАДИ

Президентнинг 3 январдаги фармонига кўра, суд хужжатлари асосида ижро ҳужжатларини электрон шаклда бериш (юбориши, тақдим этиш) тартиби жорий этилади;

Фуқаролардан қарздорликлари учун ундирив қартилиши мумкин бўлмаган энг кам кафолатланган даромад белgilanlandi;

ижро ишини юритишнинг соддлаштирилган тартиби почта харажатлари бўйича қарздорликнинг ундиришга ҳам татбиқ этилади.

### КОПЛАБ БЕРИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР ОШИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 27 февралдаги қарори билан протез мосламалари ва реабилитация воситалари хариди учун давлат томонидан мухтоҳ шахсларга қоплаб бериладиган маблағлар миқдорини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, ўртача 3 бараваргача, айрим воситаларнинг турлари эса 10 бараваргача оширилади.

Энди ногиронлиги бўлган шахсларнинг протез мосламалари ва реабилитация воситалари мухтоҳлиги алоҳида тиббий хуласасизис, яъни ногиронлик тўғрисида маълумотнома асосида белgilanlandi.

Шунингдек, ногиронлик гурухига эга бўлмаган пенсия ёшидаги шахсларнинг протез мосламалари ва реабилитация воситалари мухтоҳлиги тўғрисидаги тиббий хуласа «тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизимида расмийлаштирилadi.

### ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРГА ТАДБИРКОРЛАР ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 11 марта тартиби ҳарорига асосан тажриба тариқасида Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек туманида ўзгалар парваришига мухтоҳ шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнига аутсорсинг асосида тадбиркорлик субъектлари жалб этилади.

### ҲАР ОЙДА МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ

2023 йил 27 декабрдаги Президент қарорига мувофиқ, ўзгалар парваришига мухтоҳ ёлгиз яшовчи ҳамда ёллиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига киритилганларга ҳар ойлик уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация тўланиди.

Бундан ташқари, озиқ-овқат махсулотлари ва шахсий гигиена товарлари учун ҳар ойда қўшимча пул тўловлари ўрнига ёлгиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар ойда минимал истемол харжатлари мидорида моддий ёрдам жорий этилади.

### ФАҚАТ ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНДИ

# ОПТИМИСТИК ВА ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИ УЛУГБЕК  
ИНОЯТОВ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДАГИ  
ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ  
КЕНГАШИДА РЕСПУБЛИКА ЁШЛАРИ ОНЛАЙН ФОРУМИ ЎТКАЗДИ. ПАРТИЯНИНГ "ЁШЛАР ҶАНОТИ" ФАОЛЛАРИ, ЁШЛАР  
ПАРЛАМЕНТИ АҶОЛАРИ, ДЕПУТАТЛАР ҲАМДА ЖОЙЛАРДАН  
ФАОЛ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ИШТИРОК ЭТГАН ФОРУМНИ ЎЗБЕКИСТОН  
ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ РАИСИ УЛУГБЕК ИНОЯТОВ  
ОЧИБ БЕРДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИГ  
ХУҚУҚЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГЛИГИ, МАНЗИЛЛИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА ФАОЛЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ  
КАБИ УСТУВОР ФОЯЛАРИ ЁШЛАР МАНФААТЛАРИГА ҲАР ТОМЛАМА МОСДИР.

ШУ МАЙНОДА ПАРТИЯНИНГ ДАСТУР ВА ЛОЙИҲАЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА, ЯНГИ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ  
СУРИШДА, ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРГА ЯНГИЧА ЕЧИМЛАР  
ТОПИШДА ЁШЛАРНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ, ТАКЛИФЛАР  
ИНОБАТГА ОЛИНМОГИ ТАБИЙИ. ЁШЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА  
МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҚУШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР  
ЯРАТИШ ҲАҚИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ФИКРЛАР УЛАРНИНГ ЎЗИДАН  
ЧИҚАДИ, АЛБАТТА.

ОНЛАЙН ФОРУМДА 14 ТА ҲУДУДИЙ СТУДИЯДАН УЛАНГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ЎЗ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРИНИ БИЛДИРИШДИ. СИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЁШЛАРНИНГ  
ФАОЛ ИШТИРОКИГА ЭРИШИШ, ҲАЁТГА ОЧИҚ ВА ТҮГРИ МУНОСАБАТИН ШАКЛАНТИРИШ КАБИ МАСАЛАЛАР БЙИЧА  
ФОРУМ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТАҚДИМОТЛАР ҚИЛДИ.



## СУРДО ЁКИ ТИФЛО ТАРЖИМОНЛАРИ ЕТИШМАЙДИ

**Айдана Алламбергенова,**  
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика  
Кенгаши фаоли:

- Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган инсонларнинг давлат хизматларидан, жамоат транспортлардан мустақил фойдаланиши учун имкониятларни кенгайтириш лозим, деб хисобайлизмиз.

Сабаби, давлат идораларида, аэропортларда, төмріл йўл вожзалари ва автовокзалларда ушбу тоифадаги шахслар билан мулокот қиливчи сурдо ёки тифло таржимонлари етишмайди. Шунданд келиб чиқиб, давлат ташкилотлари ва жамоат транспортлари тизимида фоалият юритувчи ходимлардан бир нафарини "Ишга марҳамат" мономарказиларида ташкил этилган сурдо ва тифло таржимони ўқув курсларида ўқитиш йўлга кўйилса, айни муддоа бўларди.

Партия дастурида, шунингдек, олий таълим муассасаларидаги таҳсил олаётган кўзи охижада тенгдошларимизни Брайль алифбосидаги дарслерлар ва маҳсус дафтарлар билан таъминлаша, ёшлилар ўртасида китобхонларни оммалаштириш масадасида жойларда "Махалла кутубхонаси"ни ташкил этишга ишларини жадаллаштириш юяси ўрин олишини истардик.

## ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМАЛАР КЕРАК

**Абдуллоҳ Аҳмадов,**  
Андижон юридик  
техникими  
ӯқувчisi:

- Сайловолди дастурига аҳолини ижтиёмий ҳимоя килишида давлатнинг ижтиёмий мажбуриятларини ошириш ва ижтиёмий келишув дастурларини жорий килиш масадасини киритишни таклиф этамиз.

Ижтиёмий келишувлар эҳтиёжманд аҳолига кўмаклашган ҳолда инсон капиталини ривоҷлантириш орқали келгуси авлод учун "ижтиёмий лифт" вазифасини бажаради. Бундан ташқари, ижтиёмий шартномалар камбагалликлининг гендер тафовутини яхшилашга ёрдам беради.

Бизнингча, эҳтиёжманд оила ёки фуқаро билан бандларни таъминлаш, касб-хунар ва хорижий тилларни ўрганиш ёки тадбиркорлик кўнгилларни ижтиёмий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш каби йўналишларда ижтиёмий шартнома тузиш ўзининг амалий натижасини беради.



## МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК ЕТАРЛИ ЭМАС

**Лазизжон Даминов,**  
Термиз шаҳридаги "Инсон" ижтиёмий ҳимоя  
маркази ходими:

- Бизда молиявий саводхонлик етарли эмас. Бу борада Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ва башка биринча давлат ва надавлат ташкилотларининг лойҳалари бор, лекин уларнинг қамрови чекланган. Тажриба шуни кўрсатмоқда, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш шарниларда ташкил этишида ёш ва ҳудудлар низоати назаридан ҳам ёндашиб керак.

Сайловолди дастурига банк хизматларидан, оиласи тадбиркорлик дастурлари асосидаги кредитлар ва турли субсидиялардан фойдаланиш борасида аҳолининг билимини, хабардорлик даражасини оширишга қаратилган молиявий саводхонлик курслари фаолиятини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш масадасини киритиш таклифини билдирамиз.

## ХУЖЖАТЛАР КЎПЛИГИ ИЖРОНИ ҚИЙИНЛАШТИРАДИ

**Шоҳруҳ Ҷуматов,**  
Қонунчилик палатаси ҳузуридаги  
Ёшлар парламенти аъзоси:

- Ёшлар сиёсатига оид бир қатор хуқуқий-норматив хужжатлар ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган. Аммо уларнинг кўплиги, ижросини таъминлашга қаратилган қонунисти хужжатлари ва ишоравий хужжатларининг хилма-хиллиги соҳада ишларнинг амалий жараёндан қочиб, статистика юритиш, хисобдорликни ошириш каби йўналишларга ургу қаратига олиб келади. Шунинг учун хуқуқий хужжатларни умумлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Таҳлилларга кўра, ёшларга оид масалалар бўйича 130 га яқин меъёрий хужжатлар бор. Сайловолди дастуримизда "Ёшлар кодекси"ни ишлаб чиқиши таклифини илгари суриш керак, деб ўйлаймиз. Бунда ёшларни қўйнаётган муаммолар бўйича давлат жавобгарлигини ошириш, қонунчилик орасида интеграцияни таъминлаш, ногиронлиги бўлган ёшларнинг имтиёзлари ва улар олдида ҳукуматнинг масъулигини аниқ белгилаш масалалари ҳам қамраб олиномго муҳим.



## ПЛАСТМАССА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБА СОЛИШ КЕРАК

**Диёрбек Ҳусеинов,**  
Навоий давлат педагогика институти талабаси:

- Мамлакатимизда маший чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида қилиниши керак бўлган ишлар оз эмас. Бу йўналишида ийрик қувватлар ҳам, саралаш полигонлари ҳам курилиши муҳим. "Тоза ҳууд" ДУК томонидан барпо этилган полигонлар кўпинча санитар-эпидемиолог ва экологик талабларга жавоб бермайди.

Буларнинг барчаси битта жойда юғилиб қолган ва сараланмаган чиқиндилар атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Шунинг учун партия сайловолди дастурига "Чиқиндилар тайёрлаш вазифасини киришти зарур.

БМТ хисобига асосан микроплатклар биз истеъмол кирадиган овқат, ичадиган сув ва нафас олаётган ҳавода мавжуд. Агар пластмассадан қайта фойдаланиши, қайта ишлаш, йўналиши ўзгартриш ва диверсификация қилиш имкониятига эга бўйинса, 2040 йилга келиб пластик ифлосланиш 80 фоизга камайиши мумкин. Шу сабабли **бир марта ишлатиладиган пластмассадан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва сотишни қонун билан тартибга солиш таклифини билдирамиз.**



## БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ҲИМОЯЛАНИШИ МУҲИМ

**Дилдора Сайдуллаева,**  
"O'zbekiston 24" телерадиоканали  
ахборот мухаррири:

- Пойтахтимиз бугун катта қуришишлар майдонига айланган, бунёдкорлик ишлари авҳида. Аммо муаммолар ҳам йиғилиб қолмоқда. Масалан, шаҳарнинг урбанизация жараёни тўғри йўлга қўйилмаган, бош режеси ҳануз тасдикланмаган. Ўй-жой коммунал соҳасида муаммоли вазиятлар тўлик бартараф этилмаяпти, ёғингарчилек бўлди дегунча, дренаж-оковва суви тизимидағи камчиликлар ярқ этиб юзага чиқади. Болалар майдончалари қаровизиз сағаси бўлди қолмоқда.

Сайловолди дастурида кўп қаватли ўйларга туташиб бўлган жойларда замонавий болалар майдончаларини қўриш, реконструкция қилиш ва сақлаш учун аниқ жавобгар ташкилотни белгилаш масаласини илгари сурши лозим.

Ушбу майдончаларни захира ер макомидан чиқариб, куришидан холи, ўзлаштириб олишдан ҳимояланган. Алоҳида кадастрага эга бўлган ҳудудга айлантириш керак, деб ўйлаймиз. Шунингдек, жойларда "Жамоати боги" ёки "Саломатлик боги"ни ташкил этиш зарур. Бу боғлар кексалар учун юғуриш ва велойлакларни, замонавий спорт ва ўйин курилмаларини, турли хил машгулотлар билан шугулиниш учун маҳсус зоналарни ўз ичига олса, нур устига нур.

\* \* \*

Форумда ёшлар томонидан мана шундай залворли ва жўяли таклифлар билдирилди. Улар ўз ғояларини хорижий тажрибага таъниблашди, электратор мағнафиати нуқтадан назаридан асослашди. Самарқанд вилояти вакилларининг ҳаракатланишида маҳсус аравачалардан фойдаланувчиларни туризмга жалб қилиш борасидаги таклифи.

Умуман, форумда қизик, асосли, оптимистик ғоя ва таклифлар берилди. Турли ҳудудлардан битта платформага йиғилган ёшлар ўзаро фикр алмаши, долзарб саволларга биргаликда жавоб олиш муҳити юзага келди.

Энг муҳими, ёшларда фаоллик бор, ислоҳотларга даҳлдорлик бор. Ана шундай ёш аъзоларимиз сафи кенгаяверсин!

**Зилола Убайдуллаева,**  
"Ўзбекистон овози" мухбири.





# ОЛДИНГИ ҲОКИМ

**ЎзҲДП УЧҚҮРҒОН ТУМАН КЕНГАШИ РАИСИ, ДЕПУТАТ АБДУЛЛАЖОН ҚОДИРОВНИ  
УЧҚҮРҒОНЛИКЛАР ШУНДАЙ ҲУРМАТ ҚИЛИШАДИ.**

Ўшанда тарих ўқитувчи Каримахон ая Магданованинг кўнглига қараб, "Низомий"нинг тарих факультетига ҳужжат топшириши ҳам мумкин эди. Соҳибжон домланинг айтганини қилиб адашмабди. Кириш имтихонларидан ўтиб, ўқиши бошланишидан олдин қишлоққа келганида тарихи Магданова ҳам асло хафа бўйлади. Ҳамма ўқитувчилари қатори факат хурсанд бўлди.

Ҳам туман Кенгаши депутати бўлган фидойимиз бу саволга тўлиқ жавоб бермади. Сабаби, номзод кўрсатишда, деди холос.

Абдуллаҷон Қодиров депутатликка сайланган округ худудига "Соҳил", "Кумтўён", "Кўпприбоши" маҳалла фукаролар йигинлари киради. У депутатлигини қилимайди. Эртами, кечми уйи эшиги сайловчилари учун очик. Надафат сайловчилари, бошха ҳудудлардаги маҳаллалардан ҳам турли масалалар бўйича ёрдам сўраб келувчиларини қадами иш идорасидан ҳам, яшаш хонадонидан ҳам узилмайди.

- Сайловчиларидан бирни ёрдам сўраб келиди. Электрдан қарзи эр, электр тармоқлари корхонаси мутахассислари тармоқдан узмоқни. Иккиси маҳалладошимизга кўнғироқ қилдим. Улар орага олиб, қарзни бартараф этишид, - деди сухбатдошимиз.

- Мурожаатларнинг аксарияти олий ўқув юргизган фарзандига контракт тўловлар масаласида. Яхшики, эхсон қилювчилар кўйибай бормоқда. Мен депутат сифатида рости, ёрдамларни ташкил қиласман, холос.

Мени ташвишларидаги томонни биз томонларда тушунириш-тарбибот ишларини қанчалик кучайтирамайлик, кўпчилик қонунларни билмайди. Ўз ҳуқуқини билмайдиганлар, албатта, бозор иктисодиёти шароитида қийинчилликка дуч келди.

Яқинда Янгиюбод томондан иккиси аёл кирил келди. Ногирон, мендан один ҳам мурожаат қилишган, факат мақсадни аниқ баён этишмагани учун ваколатли идоралар уларни англамаган. Етти йиллик муддати ўтган ногиронлик пенсиясини қонуний асосда тикилди. «Қайқилик» ёқубхон аканинг пенсиясига 500 000 сўм қўшилди.

Тиббий суд экспертиза бўлимлари билан доимий ҳамкорлик қилиш орқали ҳам партияни электротари манбаатларини химоя қилиш чораларини белгилаймиз.

Туманнинг бош архитектори Абдуумутал Мустаравга камоқ жазоси белгиланган. Отаси мурожаат қилиб, ўшанда мухим бўлган ҳужжатлар энди топилди, деб мурожаат қилиди. Барбири, бизда қонунлар устуворлиги бор. Ўтган йили ҳамкоримизни қамодан қиаришга эришдик. Ҳозирда у ишга тикланиб, фолият юритмоқда.

21-мактабгача таълим ташкилотини дастурга киритиш ва давлат бюджетидан ажратилган 3.7 млрд. сўм маблаг эвазига реконструкция қилиниши, «Тинчлик» маҳалласида ичимлик суви таъминотини таъминлаш учун кудуқ кавланиб, мавжуд сув сақловчи қурилманинг янгилини, А.Қодировнинг сайловчилари яшайдиган маҳаллада босқичма-босқич 3 йилда 4 та трансфэратор янгилиши, 3 км йўлга бетон қоллама ётқизилиб, 1.5 км йўлнинг асфальтланганинг 8 км сув кувури тортилгани, кўйингчи, мурожаатларга мос «Соҳил» маҳалласида 350 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани ҳаммаси бор гап. А.Қодировнинг сайловчилари ўз ҳудуд-

ларида балиқчилик хўжалиги ривожланиб бораётгани, ҳозирда фаолият юритаётган 13 та балиқчилик хўжалиги 10 йил ичida 200 гектар майдонни ишғол этажаги ҳақида тўлиб-тошиб гапиришмокда.

Аҳоли этиёжларидан келиб чиқиб, такорий экин мавсумида ер ажратиб бериш, томорқаларига иссиқхоналар ўрнатишга кўмаклашиш, белгиланган тартибида чорва ҳайвонлар билан таъминлаш ва бошча қонуний асосдаги ёрдамлар механизмини харакатга келтириш орқали туманда мигрантлар ҳажмини 30 foизга камайтиришга эришидик.

## БАХТ - ОИЛАНГДА, ИШ ЖОЙИНГДА!

Абдуллаҷон ака ЎзҲДП Учқўргон туман Кенгашининг раиси, туман Кенгаши депутати, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари МФЙ раиси (оқсоқоли)ни сайлаш бўйича мувофиқлаштируви комиссия раиси. Туманнинг зиёли фаоларидан бирни сифатида ишдаги муваффақиятларини умумийлаштириб, камсукумлик билан ҳикоя қиларкан, унинг оила мухити ҳақида ҳам билгимиз келди.

Турмуш ўртоғи Гулнора Неъматовна олий маълумотли фармацевт. Якин қирқ йиллик меҳнат фаолиятини туман тиббиёт бирлашмаси дорохонасида ўтаган. 5 фарзандни вояж етказишибди. Тўнгич қизлари Гулноңга Тошкентдаги инглиз тилига ихтисослашган маҳсус мактаб ўқитувчи. Комила, Фотима ва Зуҳра она касбининг давомчилари. Ёлғиз ўғли Раҳматулло ички ишлар тизимида маъсұл лавозимда хизмат қилмоқда.

Қодировлар хонадонида кичик тадбиркорлик фолиятли барқарор. 10 йил аввал 500 та товуқ парвариши билан даромад келтирадиган паррандачилик хўжалигини йўлга кўйишганди. Ҳозир ҳам бу иш давом этирилмоқда. 2 та иссиқхонада қулупнай, саримсок, бодиринг, помидор этиширилди.

Томорқа юмушлари билан ёрталаб ва кечки пайт қаҳрамонимизнинг ўзи, Гулнора опа ва ўғиллари шуғулланышади.

Анваржон Мажидов, Музаффар Мирзаҳмадов, Мухаммадсоли Норхонов, Жаҳонгир Тўхтасинов сингари тумандаги фаолият юритаётган ўрта ва янги авлод вакиллари Абдуллаҷон Қодировни ўзларига устоз, деб билишади.

Мана, бу йил яна сайловлар йили. Октябрь ойигача бўлган муддат мухим сиёсий кампанияга тараффуд даври.

Бу масалада Абдуллаҷон ака Қодиров доимига үз режалари, ўзига хос тадбирли тараффудларини кўнгилга тушиб, партия фоллари билан бамаслаҳат иш олиб бормоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси  
Наманган вилоят бўлими раиси.**

## ЧИНИҚИШ

Захиридин Муҳаммад Бобур билан сингиллиси Хонзодабегимнинг опа-укачилик муносабатлари тўккис фарзандли оилада вояга етган Абдуллаҷон Қодировга ҳамон ўзгача бир хушиудлик бағишаётди.

Эҳтимол, оддий дурадгор уста Абдураҳмон отанинг фарзандларига китобхонлигидан ибрат бўла олган бунга сабабидир. Эҳтимол, ҳар қандай шароитда илим ўрганишга тўғма эҳтиёжки борлигидан ўқиган китобларидан таъсирланиб, ўзига шиорлар тўқиб олиш одати Абдуллаҷон акада шунаقا туйғуларни шакллантиргандир.

Нима бўлганда ҳам қаҳрамонимизнинг оилапарварлари фазилати, айниқса, сингиллигидан нисбатан меҳрибонлиги уни танийдиган каттаю кичик томонидан алоҳида ўтироф этилади.

Учқўргон Наманган вилоятининг Қирғизистон чегаралари билан туташ, нисбатан чеккарок ҳуудудида жойлашган. Аввал бошиданоқ туман ерларини ўзлаштиришга жалб этилган кучлар кўшини туман ва вилоятлардан кўчиб келишган. Ахолиси турли миллатга мансуб, нисбатан саноатлашган туман. Бу маълумотларни тилга олишиниизнинг боиси шуки, Абдуллаҷон ака яшаган оила мухитидаги ўзаро аҳиллик, ҳамхижатлиг шўролар даврида ҳам бутун туман аҳлига намуна бўлган.

Бобур Мирзо билан Хонзодабегимнинг ини-сингиллик муносабатлари эса ҳозир ҳам Абдуллаҷон Қодировнинг опаси Саноатхонга, сингиллари Адолат, Лазокат, Озода ва Мехринисаларга кўрсатдиган меҳр-эътиборига андоза.

Ҳар холда Хонзодабегимнинг Бобур Мирзага айтган гапи Абдуллаҷон Қодировга ҳам қида: «**Киши ўз кўнглига ишонмоғи лозим. Кўнгил мусаффо бўлса, кишини алдамайдур**»

Тумандаги 2-мактабни тамомлаб, Тошкентда ўқиш учун йўл олган қишлоқ йигитига математика фани ўқитувчи Соҳибжон домла Мамажонов оқ йўл тиларкан. Алоҳида тайинлади.

- Абдуллаҷон, чалғимагин, хужжатларинг Тошкентдаги 2-мактабни тамомлаб, Тошкентда ўқиш учун йўл олган қишлоқ йигитига математика фани ўқитувчи Соҳибжон домла Мамажонов оқ йўл тиларкан. Алоҳида тайинлади.

- Абдуллаҷон, чалғимагин, хужжатларинг Тошкентдаги 2-мактабни тамомлаб, Тошкентда ўқиш учун йўл олган қишлоқ йигитига математика фани ўқитувчи Соҳибжон домла Мамажонов оқ йўл тиларкан. Алоҳида тайинлади.

Депутат Дилбар Мамаджановага сайловчилар ташаккур билдириши

## КИЛГАН ЯХШИЛИГИНГНИ УНУТ, КЎРГАН ЯХШИЛИГИНГНИ УНУТМА!

- Менинг сиёсат майдонига кириб келишим темир-бетон заводида ишлаб юрганимда бошланган, - деб эслайди Абдуллаҷон ака. - Ўшанда мени завод ёшлар бригадасига етакчи этиб сайлашди. Тарих фанидан яхши ўқитилганинг кўл келди...

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида олган сабоқлари, тузумлар ўзгариши, давр янгилишларни жараёнини фикран уйгоқлик билан ўтказишига асос бўлди.

Давлат бошқаруви академиясидаги ўқувга вилоятлардан гоят дадил, эл-юрт ва миллат тақдирига ўзини дахлор санаган фидойи илар келишган...

## ИНСОННИ ЭЪТИҚОД БУТУН УШЛАЙДИ

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигига, яъни 2000 йилгача Абдуллаҷон Қодировнинг жўшқин мөхнат фаолияти ҳалқ депутатлари Учқўргон туман Кенгашида, Учқўргон туман ҳокимлигига раҳбарнинг ўрнибосарлиги кечди.

Қаерда, қайси лавозимда ишламасин Абдуллаҷон Қодиров сиёсий эътиқодини ўзгартиради.

Айниқса, кўп partiyaviloylik шароитида эл ишончига кириб, туман, бир пайтда вилоят Кенгаши депутатлигини ҳам уддасидан чиқа оладиган кадрга, албатта, ҳар бир партиядаги эҳтиёж бор.

- Яширишининг ҳожати йўк, Абдуллаҷон Қодировнинг ташкилотчилиги сабаб ўзбекистон ҲДПдан кўрсатилган номзодлар маҳалла Кенгашларда кўп овоз билан депутатликка сайланади. Ҳозигрига рақамни айтига колайин, бугунги кунда Учқўргондан вилоят Кенгашига сайланган 4 нафар депутатнинг 3 нафари ЎзҲДП номзодлари. Ҳалқ депутатлари туман Кенгашида фаолият юритаётган 30 депутатнинг 16 нафарининг номзоди Ҳалқ демократик партиясидан кўрсатилган. Бунинг сирлари нимада? Афсуски, ўзи

Ўз мухбиримиз.



## Минимал истеъмол ҳаражатлари қиймати ошди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2024 йил 16 апрелдаги «Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмиарни жорий этишини ўзини кўнгимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2024-сон қарорига асосан Статистика агентлиги томонидан 2024 йил 1 майга қадар ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари ошишини ҳисобга олган ҳолда минимал истеъмол ҳаражатлари қийматини қайта кўриб чиқиш ва эълон қилиш белгиланган.

Шунга асосан, Статистика агентлиги томонидан «Аҳолининг минимал истеъмол ҳаражатлари қиймати ошишини ҳисоблаш тартиби тўғрисида низом»га асосан минимал истеъмол ҳаражатлари қиймати ошишини ҳисобланди.

2024 йил май ойидан ҳисобланган минимал истеъмол ҳаражатлари қиймати бир ойда киши бошига 648 минг сўмни ташкил этди. (2024 йил январда эълон

килинган қиймат 621 минг сўмни ташкил этган).

Жаҳон тажрибасида минимал истеъмол ҳаражатлари кўрсаткичидан камбагаллик чегараси сифатида фордайларни кенг тарқалган бўлиб, мазкур кўрсаткичидан:

девлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмакларига мухтож аҳолининг мақсадли (таргет) гурухини аниқлаш;

камбагалликка қарши курашиб стратегияси ва дастурларида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларини натижадорлиги ҳамда манзиллигини ошириш, шунингдек, уларнинг доимий мониторингини юритиш;

пенсиналар ва нафакаларнинг энг кам микдорини белгилаш, шунингдек, камбагал оилаларга бериладиган бошқа тур

3  
қадам

**АХОЛИ ФАРОВОНИЛГИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТАДИГАН ЭНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРДАН БИРИ – БУ ОИЛА БЮДЖЕТИНИНГ ҲАЖМИ ВА ТАРКИБИДИР. УШБУ КЎРСАТКИЧ ИСТЕММОЛ БОЗОРИНИНГ ЗАРУР ТОВАР ВА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН ҚАНЧАЛИК ТЎЛДИРИЛГАН ҲАМДА АХОЛИНИНГ УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ҚАЙДАРАЖАДА ЭКАНЛИГИ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ.**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА, УНИНГ АРЗОН ВА ЕТАРЛИ ЭКАНЛИГИГА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ СИФАТИДА ҚАРАЛОМОҚДА.**

**ШУ САБАБДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ 2019 ЙИЛГИ ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВДАН СҮНГ ЭХТИЁЖМАНД АХОЛИ ҚАТЛАМИНИ КУНДАЛИК ЗАРУР ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ ФОЯСИНИ ИЛГАРИ СУРГАН ЭДИ.**

## ТОВАР ВА ХИЗМАТ

# КУНДА ЗАРУР

